



Ishonch

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri // Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan // www.ishonch-doverie.uz // e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Қизгин мулоқот майдонига айланган ҳафталик

Пойтахтимизда давом этаётган Тошкент мода ҳафталиги доирасида ушбу соҳада инновацион ва замонавий технологияларга бағишланган халқаро илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

«Осиё рамзи» Ўзбекистон дизайнерлар ва моделлар уюшмаси бошқаруви раиси Х.Комилова ва бошқалар Биринчи Президентимиз Ислоҳ Каримов раҳнамолигида иқтисодиёт, тўқимачилик, бадий таълим ва миллий хунармандлик соҳасига кўрсатилган улкан эътибор мода ривожига муҳим ўрин тутганини таъкидлади. Мазкур йўналишда истеъдод соҳибларини аниқлаш, уларни қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш, ижодини халқимизга яқиндан таништириш юзасидан кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда.

— Мен ушбу ҳафталик доирасидаги тадбирлардан катта таассурот олдим, — дейди Латвия либослар палатаси раиси Дита Даноса. — Ўзбекистон дизайнерларининг ижод намуналари гоёт ёрқин ва бетакрорлиги, ўзига хос ёндашуви, оригинал нақш ва безаклари билан диққатини тортди. Уларнинг миллий анъаналарга содиқлиги, изланувчанлиги, дунё модасидаги энг яхши жиҳатларни уй-



ғунлаштиргани таҳсинга лойиқ.

— Бугун жаҳон модасида бир-бирига ўхшаш ёндашувларни кузатиш мумкин, — дейди кувайтлик дизайнер Амал Алфарес. — Бироқ бундай глобал жараёнда турли халқларнинг ўз миллий киёфаси, кийиниш услублари, либослар яратишга оид маданиятини сақлаб қолиш гоёт муҳимдир. Шу жиҳатдан



Ўзбекистон дизайнерларининг либос яратишда дунёнинг ҳеч қайси мамлакатига учрамайдиган ўз услуби, ёндашуви, бетакрор фантазияси, бой миллий меросидан унумли фойдаланишга оид изланишлари уларнинг коллекцияларида яққол акс этгани эътиборга сазовор.

Анжуманда мода ва либосларга оид долзарб йўналишларнинг ривожланиш ис-

тиқболлари, илм-фан, ишлаб чиқариш ва таълим соҳаларининг интеграциялашувида мода саноатига оид техно-

паркининг аҳамияти, инновацион маркетинг ва бренднинг ривожлантириш каби масалалар муҳокама этилди.

Шу кунги Ёшлар ижод саройида хорижий дизайнерлар иштирокида маҳорат сабоқлари бўлиб ўтди. Ҳафта-

лик доирасида мода олами-га эндигина кириб келаётган йигит-қизларнинг ижод намуналари томошабинлар эътиборига ҳавола этилди. Ушбу коллекциялар турли услуб ва жанрларни ўзида ифодалагани, ёшликка хос жўшқинлик, завқ ва фантазияга бойлиги билан барчага манзур бўлди.

Н.УСМОНОВА,
ЎЗА мухбири



ТОШКЕНТ

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Тошкент Олий ҳарбий-техник билим юртида «Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислоҳ Каримов асарларида ёшларни тарбиялашнинг маънавий-ғоявий негизлари» мавзусида илмий-амалий анжуман ўтказилди.

Республика Маънавият тарғибот маркази билан ҳамкорликда ташкил этилган тадбирда мамлакатимизнинг етакчи олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари, талаба-ёшлар, курсантлар, санъаткорлар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди. Анжуманда Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислоҳ Каримов асарларидаги ёшларни тарбиялашнинг маънавий-ғоявий негизларини ўрганиш, илмий ишлар қилиш муҳимлиги таъкидланди. «Буюк инсон бошлаган йўл», «Буюк Ислоҳ Каримов асарлари ёшларимиз учун йўлчи юлдузидир», «Мустақиллик йилларида навиқрон авлодни ҳар томонлама етук инсонлар этиб тарбиялашда Биринчи Президентимиз асарларининг аҳамияти», «Биринчи Президентимиз Ислоҳ Каримов асарларида ёшлар масаласининг ташкилий-ҳуқуқий асослари», «Буюк инсон яратган асарларга дунё эътибори ва эҳтироми» мавзуларида маърузалар тинланди.

«Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банкида Республика Маънавият тарғибот маркази томонидан Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг йигирма тўрт йиллиги муносабати билан «Конституция ва миллий қадриятларимиз» мавзусида маънавий-маърифий тадбир ўтказилди.

«Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банки бошқаруви раиси ўринбосари А.Низомов ва бошқалар мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат ва эркин фуқаролик жамияти барпо этишнинг ҳуқуқий кафолати ва мустақам пойдевори бўлиб келаётган Бош қомусимиз — барча иқтисодий-сиёсий, ҳуқуқий-маънавий ислохотларнинг тамал тоши, жамият тараққиёти ва халқ фаровонлигининг асоси эканлиги таъкидланди. Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг яратилиш тарихи, унинг демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш ва инсон манфаатларини таъминлашдаги аҳамияти, халқчиллиги, халқаро ҳуқуқ нормаларига мослиги, ўзига хос жиҳатлари ҳақида атрофича маълумот берилди.

САМАРҚАНД

Самарқандда ўтказилган Зулфия номидаги Давлат мукофоти номзодлар кўрик-танловининг вилоят босқичида юздан зиёд қизлар иштирок этди. Иштирокчилар адабиёт, фан, таълим, санъат ва маданият йўналишларида ўз маҳоратини яна бир бор синовдан ўтказди. Ҳакамлар ҳайъати ҳар бир йўналиш бўйича уларнинг ижодий ишлари ва чиқиши, танловга тақдим этган материалларига баҳо берди. Барча йўналишлар бўйича голиблар аниқланиб, танловнинг мамлакат босқичига йўлланма берилди.

ЖИЗЗАХ

Жиззахда «Аҳил ва мустақам оила — жамият таянчи» номида маънавий семинар бўлиб ўтди. Унда Самарқанд, Сирдарё ва Жиззах вилоятлари хотин-қизлар кўмиталари раислари, фуқаролар йиғинлари фаоллари ҳамда таълим муассасалари вакиллари иштирок этди. Жиззах вилоятида «Соғлом она ва бола йили» Давлат дастурида белгиланган тадбирларни амалга оширишга жорий йилнинг ўтган даврида 486 миллион 881,3 миллион сўм маблағ сарфланди. Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, аҳолининг тиббий маданиятини юксалтириш, санитария-гигиена соҳасидаги ишларни қучайтириш, ёш оналар ва гўдакларни парвардилаш, бўлгуси оналарнинг ҳам жисмоний, ҳам маънавий соғлом бўлиб вояга етишини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Оилавий ажримларнинг олдини олиш мақсадида никоҳланувчиларни тиббий кўрикдан ўтказиш, эрта турмуш ва яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳнинг оқибатларини тушуниришга қаратилган маърифий-тарғибот тадбирлари ўтказилаётган. Семинарда «Никоҳ ва оила — Конституциямиз ва қонуларимиз ҳимоясида», «Оилавий ажримларнинг олдини олишда давлат ва жамоат ташкилотларининг ҳамкорлиги», «Никоҳ шартномаси — оила мустақамлигининг гарови» каби мавзуларда маърузалар тинланди.

ЎЗА

Сайлов — 2016

Сарвар Отамуратовнинг Жиззах вилояти сайловчилари билан учрашуви

Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Сарвар Отамуратов 23 ноябр кунги Жиззах вилояти сайловчилари билан учрашди.

Видеоконференция шаклида ташкил этилган учрашувни халқ депутатлари Жиззах вилояти Кенгашидаги Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси гуруҳи раҳбари Б.Мамажонов очди. Президентликка номзоднинг ишончли вакили С.Назарқосимов йиғилганларни номзоднинг таржимаи ҳоли билан таништирди.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Сарвар Отамуратов ўзининг сайловолди дастури юзасидан нутқ сўзлади.

Жиззах вилояти ўзининг гўзал ва бетакрор табиати, бой табиий ресурслари, ишлаб чиқариш ва қишлоқ ҳўжалигидаги улкан салоҳияти билан мамлакатимиз тараққиётида муҳим ўрин тутди. Вилоятда 2010 йилдан буён ялпи ҳудудий маҳсулот 1,7 баробар ўсди. Кейинги беш йилда саноат маҳсулотлари ҳажми 1,9 марта кўпайиб, ялпи ҳудудий маҳсулотда унинг улуши 17 фоиздан 21 фоизга етди.

Вилоятда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаси ҳам жадал ривожланмоқда. Охириги беш йилда 4 мингдан ортқ кичик бизнес субъекти ташкил этилиб, уларнинг сони 8 минг 500 тага етди. Бугунги кунда ушбу соҳанинг ялпи ҳудудий маҳсулотдаги улуши 80 фоизни, экспортдаги ҳиссаси 87 фоизни ташкил этмоқда.

Президентликка номзод ўз сайловолди дастурида «Баркамол авлод — миллат таянчи» шиори остида ёш авлодни ҳар томонлама етук инсонлар этиб тарбиялаш борасидаги ишларни янада қучайтириш вазифаси белгиланганини таъкидлади. Жиззах давлат педагогика, политехника институтлари ҳамда Жиззах авиация олий ҳарбий билим юрти етук мутахассис кадрлар тайёрлашда муҳим ўрин тутмоқда.

Дастурда замонавий билим ва малакага эга муҳандис-техник, молия-иқтисод, корпоратив бошқарув менежментлари, ахборот технологиялари соҳасида дастурчиларни тайёрлашни тубдан қучайтириш ва мазкур соҳаларда истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш, тарихий ва маданий мерос объектларини асраб-авайлаш ва ободонлаштиришга қаратилган вазифалар муҳим ўрин эгаллайди.

Вилоятда 372 маданий мерос объекти рўйхатга олинган бўлиб, уларнинг 42 таси тарихий обида ва муқаддас зиёратгоҳлар, 267 таси археологик, 63 таси монументал ёдгорликлардир. Бу бебаҳо меросни кўз қорачигидек асраш ва келгуси авлодларга етказиш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилган.

Учрашувда Жиззах давлат педагогика институти хорижий тиллар факультети декани А.Маматов, Баҳмал қишлоқ ҳўжалиги касб-ҳўнар коллежи директорининг маънавият ва маърифат ишлари бўйича ўринбосари М.Норқўзиева, «Келажак бунёдкори» газетаси мухбири У.Пўлатова номзоднинг дастури юзасидан фикр билдирди. Сайловчиларни 2016 йил 4 декабр кунги бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида фаол иштирок этишга чақирди.

ЎЗА

Форум

Пойтахтимизда Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси томонидан Аёллар жамоат ташкилотлари форуми ташкил этилди. Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотларининг мутасаддилари, хотин-қизлар кўмиталарининг вакиллари, ҳуқуқшунослар, олимлар, экспертлар ва ОАВ ходимлари иштирок этишди.



Аёллари ардоқланган юрт

Республика Хотин-қизлар кўмитаси раисининг ўринбосари Ш.Нурматова, Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раиси Т.Нарбаева, Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси раисининг ўринбосари Н.Миродилова ва бошқалар Биринчи Президентимиз Ислоҳ Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда хотин-қизларга кўрсатилган ҳур-

мат ва эҳтиром, уларнинг жамият ҳаётидаги мавқеини юксалтириш, ҳуқуқ ҳамда манфаатларини таъминлаш ва ҳимоя қилиш, ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий фаоллигини ошириш, муносиб турмуш шартлоларини яратишга оид бошланган хайрли ишлар изчил давом этаётганини алоҳида эътироф этишди.

➤ (2).

4 декабр — Сайлов куни

Ёш олимлар иштирокида

Фанлар академияси бирлашган касба уюшма кўмитаси томонидан мамлакатимизда жорий йилнинг 4 декабр кунги бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови муносабати билан ёш олимлар иштирокида давра суҳбати ташкил этилди.

Тадбирда муҳим сиёсий жараённи юқори савияда ўтказиш кўп жиҳатдан фуқароларнинг фаоллигига боғлиқ эканлиги таъкидланди. Ёш олимлар жойларида бўлиб ўтаётган йиғилишлар, шу билан бирга, Ўзбекистон Республикасида 2016 йилда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар Дастурининг 6-бандига

мувофиқ қорхона, ташкилот ва муассасаларда ташкил этилаётган «Меҳнат ҳуқуқи» мавзусидаги давра суҳбатларида фаол қатнашишни ўз олдларига вазифа қилиб белгилаб олдилар.

Шерзод ЖўРАЕВ,
Ўзбекистон
Фанлар академияси
бирлашган касба
уюшма кўмитаси раиси



Тарадада қизгин

Урганч туманидаги 2-умумтаълим мактабиде жойлашган 167-сайлов участкасида сайловга пухта тараддуд кўрилмоқда.

— Сайлов участкамизда «Оқ ариқлар» маҳалласида яшовчи 2935 нафар сайловчи овоз

беради. Уларнинг 57 нафари биринчи бор сайловда овоз бериш ҳуқуқидан фойдаланса, 37 нафари нурунийлардир, — дейди участка сайлов комиссияси раиси Рустам Ҳакимов. — Сайловчилар рўйхати аллақачон шакллантирилиб, уларнинг ўз ҳуқуқларидан тўла фойдаланиши учун барча шарт-шароит яратилди. Участкамиз тарғибот воситалари меъёрий талабларга мувофиқ жиҳозланди. Хусусан, давлат рамазлари, зарур техника воситалари — телефон, факс, нусха кўчириш аппарати, интернет ва тегишли адабиётлар билан таъминланди. Сайловчилар ҳуқуқ ва мажбуриятлари тўғрисидаги тарғибот воситалари кўри-нари, қулай жойга осиб қўйилди.

Тиббиёт, она ва бола оналари ташкил қилиниб, белгиланган тартибда жиҳозланди. Овоз бериш кабиналари, овоз бериш қути-лари тахт қилинди.

СУРАТДА: сайлов комиссияси аъзолари галдаги вазифалар хусусида маслаҳатлашмоқда.

К. УРОЗИМБЕТОВ
олган сурат.

БУГУННИНГ НАФАСИ

Аёллари ардоқланган юрт

Жамоа шартномаси — амалда

Бугун аёлларимиз нафақат оила бекаси, фарзанд тарбиячиси, балки давлат ва жамият қурилишида, тадбиркорликда, илм-фан, санъат, спорт, кўйинги, ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида ўз иқтидорларини эмин-эркин намойиш этмоқдалар. «Навоизот» акциядорлик жамияти республикамизда кимёвий маҳсулотлар ва минерал ўғитлар ишлаб чиқарувчи энг йирик корхона ҳисобланади. Айни вақтда бу ерда 9 мингдан ортиқ ишчи-ҳодим меҳнат қилаётир, шундан 4117 нафари хотин-қизлардир.

Кўнгли нозик, қадри баланд



— Корхонамизда жамоа шартномалари ва келишувлари орқали хотин-қизларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ва меҳнат соҳасидаги ҳуқуқларини ҳимоялаш, улар меҳнатини муҳофаза этиш, маънавий савияларини ошириш, спорт ва жисмоний тарбия тадбирлари орқали соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш ишларига алоҳида эътибор қаратилмоқда, — дейди касаба уюшма кўмитаси раиси ўринбосари Феруза Файзиева. — Жамоа шартномасининг 12-бўлими тўлалигича хотин-қизлар манфаатлари ҳимоясига бағишланган.

Жорий йилда АЖДА жамоа шартномаси орқали 118 нафар ишловчи аёлга бериладиган туғишга ва туғишдан кейинги ҳақ тўланадиган таътилли куни узайтирилиб, 2 ёшдан 3 ёшга тўлган қадар фарзандлари бўлган 445 нафар онага моддий ёрдам кўрсатилди. Шунингдек, фарзанди 3 ёшга тўлганга қадар унинг тарбияси билан машғул бўлган аёлларнинг 28 нафарига қисман ҳақ тўланувчи ҳамда икки ва ундан ортиқ 12 ёшга фарзанди бўлган ёки 16 ёшга ногирон фарзанди бўлган аёлларнинг 253 нафарига 3 иш кундан иборат бўлган ҳақ тўланувчи қўшимча таътилли берилди. Бундан ташқари, 32 нафар хотин-қиз иш берувчи маблага, 56 нафар хотин-қизга касаба уюшма маблага ҳисобидан, 32 нафар нафақадга аёллар жамоа шартномасига асосан моддий қўллаб-қувватланган. Тиббий кўрик натижасига асосан камқонлик (анемия) касаллигига чалинган 45 нафар аёлга темир ва йод моддасига бой дори-дармонлар, ҳомилалар аёлларнинг 127 нафарига витаминли дори-дармонлар ажратилди. Хотин-қизларнинг репродуктив саломатликларини мустаҳкамлаш ва соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш мақсадида корхонада ёш оналар ва ёш оилалар мактаби фаолият кўрсатмоқда. Жорий йилда вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси Хотин-қизлар комиссияси иштирокида 12 мартаба давра суҳбати ўтказилди, унда 400 нафардан ортиқ ёш оналар ва ҳомилалар аёллар қатнашди.

Касаба уюшмаларининг жамоа музокараларида аёлларнинг манфаатларини ҳисобга олиш билан боғлиқ стратегик мақсадлари хотин-қизлар комиссиялари орқали амалга оширилмоқда. Хусусан, аёллар учун соғлом ва хавфсиз меҳнат шaroитлари яратишнинг таъминлаш ишлаб чиқаришда ҳодимларни ижтимоий ҳимоя қилишнинг муҳим омилларидан бири бўлиб, шунга қўра, меҳнат муҳофазаси бўйича мутахассислар томонидан соғлом ва хавфсиз иш шaroитларининг яратилишини таъминлаш ҳамда ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш бўйича ибратли ишлар амалга оширилди. Яъни, иш жойларининг шаходатланганлиги, меҳнат қилувчиларнинг санитария-маиший хоналар ҳамда махсус кийим-бош ва яқка тартибдаги ҳимоя воситалари билан таъминланганлиги, техника хавфсизлиги қоидалари бўйича ишчилар ўртасида ўқишлар ўтказилганлигини назорат қилиш ҳамда касб касалликлари келиб чиқишининг олдини олишга эътибор кучайтирилди.

Ишлаб чиқариш цехларида зарарли шaroитларда ишлайдиган 563 нафар хотин-қизнинг иш ўринларини шаходатлаш натижаларига биноан қисқартирилган иш кунини белгиланган. Шунингдек, улар шахсий ҳимоя воситалари билан таъминланиб, 3 кундан 24 кунга қадар қўшимча таътилли белгиланган ҳамда даволаш профилактикаси, озик-овқат, сут ва сут маҳсулотлари учун талонлар ажратилган, имтиёзли пенсияга чиқишлари кафолатланган. Йилда 2 мартаба тиббий кўриқдан ўтказиш йўлга қўйилган.

Жумладан, жорий йилнинг 9 ойи давомида 2745 нафар хотин-қиз даврий тиббий кўриқдан ўтказилиб, 210 нафари умумий касалликлар бўйича рўйхатга олинди ҳамда тиббий кўрик якуни бўйича касаллиги аниқланган хотин-қизлардан 36 нафари республика сўхатгоҳлари, 102 нафари эса дам олиш уйларида соғликларини тикладилар.

Корхона тасарруфида 120 ўринли санаторий-профилакторий бўлиб, у замон талабларига мос тиббиёт кўрсаткичи билан тўлиқ жиҳозланган. 2016 йилда 701 нафар хотин-қиз бу ерда соғломлаштирилди. Шунингдек, 120 нафар хотин-қизнинг Бухоро, Нурота, Шахрисабз, Самарқанд, Хива каби тарихий шаҳарларга саёҳатлари ташкил этилди.

Корхонага қарашли «Кимёгар» ўйингоҳида кураш, футбол, шашка, шахмат, дзюдо, волейбол, стол тенниси, катта теннис, армрестлинг, қўл жанги, аэробика секциялари ташкил этилган бўлиб, 1500 нафардан ортиқ ишчи-ҳодим, шу жумладан, 400 нафардан ортиқ хотин-қизлар спорт турлари билан шугулланиб, соғликларини мустаҳкамлаб келишмоқда.

Соғлом она ва бола йили муносабати билан ҳодимлар, айниқса, аёллар ва ёшларнинг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий манфаати ҳимоясини кучайтириш, уларнинг оила ва жамиятдаги ролини оширишга эътибор кучайтирилди. Чунинчи, жорий йилда корхонада фаолият кўрсатаётган ишчи-ҳодимларга қишлоқ жойларида намунавий лойиҳалар асосида уй-жой қурилишида дастлабки тўловларни амалга оширишга қўмаклашиш, болаларнинг ногирон ва ирсий касалликлар билан туғилишининг олдини олиш мақсадида, корхонада меҳнат қилаётган ҳомилалар аёлларни ТСК йўналмаси асосида вилоят скрининг марказида бепул текширувдан ўтишини таъминлаш юзасидан муайян ишлар олиб бориляпти.

Кўнгли нозик, аммо қадри баланд аёлларга эътибор ва эҳтиром кўрсатиш, уларнинг қонуний ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, фарзандлари саломатлиги ва камоли учун ҳамхўрлик кўрсатиш, шак-шубҳа йўқки, келажаққа қаратилган муҳим қадамдир.

Норимхол НУРМОҲОВА,
Навоий вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси Хотин-қизлар комиссияси раиси.
Дилафрўз УРОЗОВА,
«Ishonch» мухбири

«1».

Юртимизда нодавлат нотижорат ташкилотларни ри-вожлантириш, уларнинг ислохотлар жараёнидаги фаол иштирокини таъминлаш, ҳуқуқий, ташкилий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга оид амалга оширилаётган кенг қўламли ишлар аёллар жамоат ташкилотлари фаолиятида ҳам кўзга ташланмоқда. Айни кунда мамлакатимизда 8500 дан ортиқ нодавлат нотижорат ташкилотлар фаолият юритмоқда. Уларнинг барчасида аёллар ва оила манфаатлари алоҳида йўналиш сифатида ўз аксини топган. Шунингдек, 295 та ННТ бевосита аёллар масалалари билан шугулланади.

1991 йил ташкил топган шу йўналишдаги энг йирик нодавлат ташкилоти Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси ўз атрафига 44 мингга бошланғич жамоат тузилмасини бирлаштирган. Кўмита аёлларнинг ҳуқуқий-иқтисодий, сиёсий билимларини кенгайтириш, ёшлар, айниқса, қизлар маънавиятини юксалтириш, соғлигини асраш, оилалар мустаҳкамлигини таъминлаш, бандликка қўмаклашиш, ўқув даргоҳларида тарбиявий ишларни таҳлил этишга эътибор қаратмоқда. Давлат дастурларида белгиланган устувор вазифаларни амалга оширишда ҳам кўмита нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари билан ўзаро ижтимоий шериклик таъминлашга асосланиб фаолият юритаёпти. Жорий йилнинг 9 ойи давомида Хотин-қизларнинг иш билан таъминлаш ҳудудий дастурларига асосан 293 минг 189 та янги иш ўрни яратилди.

Шунингдек, Ўзбекистон хотин-қизлари «Олима» уюшмаси, Касаба уюшмалари Федерацияси каби жамоат ташкилотлари аёллар учун муносиб меҳнат, турмуш шaroитларини яхшилашда хайри ишларни амалга оширмоқда. Айниқса, Республика касаба уюшмалари томонидан хотин-қизларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаат ва меҳнат соҳасидаги ҳуқуқларини ҳимоялаш, аёлларнинг ўз фаолиятини бола тарбияси билан уйғун ҳолда олиб бориши учун етарли шaroитлар яратиш бўйича тизимли ишлар амалга оширилаётир. Вазирлар Маҳкамаси, Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ва Савдо-саноат па-



латаси ўртасида имзоланган Бош келишув ҳамда 95 та тармоқ, 14 та ҳудудий келишувлар, корхона ва ташкилотлардаги мавжуд 113 мингдан ортиқ жамоа шартнома-

тилидаги аёлларга ҳар ойда моддий ёрдам кўрсатиш, 2 ёшга фарзанди бўлган аёлларга ҳақ тўланадиган та-наффуслар бериш имтиёзлари қўлланиляпти.

ат ташкилотларининг фаол иштирокини таъминлаш, сайловчиларнинг ҳуқуқий ва сиёсий маданиятини янада юксалтириш, бунда «Мен сайловда шахсан ўзим иштирок этаман», «Бизнинг оиламизда ҳар бир шахс ўз овозига эга» каби тадбирларга жамоат ташкилотларининг фаол иштироки этиши таъкидлаб ўтилди.

Анжуман доирасида Ўзбекистонда давлат ва жамият қурилишида ҳамда ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ҳаётда хотин-қизларнинг ўрнини мустаҳкамлаш, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, аёлларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, бандлиги ва ижтимоий муҳофазасини таъминлашда давлат органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотларининг ижтимоий шериклигини янада кенгайтириш каби масалалар ҳам муҳокама этилиб, бу борадаги вазифалар белгиландинди.


Форумда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар кўмитаси раиси Э.Боситхонова сўзга чиқди.

Латофат БЕХБУДОВА,
Жондор туман ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раиси:

— Туманимизда 83 мингдан ортиқ хотин-қиз истиқомат қилади. Шундан 38 мингга яқини қизлар. Яқинда коллеж битирувчилари Феруза тикувчилик, Ойниса эса чорвачилик йўналишида энг яхши лойиҳа муаллифи сифатида Республика Хотин-қизлар кўмитасининг махсус сертификатлари эга бўлишди. Туманимизда бундай интилувчан қизлар кўллаб топилади. Ишончим комилки, бугунги форумда Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази ва Марказий банк билан «Битирувчи қизларнинг бандлик масаласини ҳал этишда барча касб-ҳунар коллежларида ташкил этилган штаблар фаолиятини мувофиқлаштириш»га доир қўшма қарор қабул қилиниши кизларимизнинг бандлигини таъминлаш, ўз тадбиркорликларини йўлга қўйишда бекиб аҳамият касб этади. Қолаверса, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан тузилган қўшма қарорлар ҳам аҳоли тиббий маданиятини яхшилаш, репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, айниқса, қизлар ўртасида соғлом турмуш тарзи ва маънавий-ахлоқий тарбия ишларини кучайтиришга хизмат қилади. Қизларимизга ўз тадбиркорликларини йўлга қўйишда кўмаклашишда ННТлар билан ҳамкорлигимиз қўл келади. Бунда бизга форумдан олган ҳуқуқий сабоқларимиз кенг йўл очади.

Форумда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар кўмитаси раиси Э.Боситхонова сўзга чиқди.

Амина ҚОДИРОВА,
«Ishonch» мухбири



Уш а суратлари.

лари бу борада дастуриямал бўлиб хизмат қилмоқда. Жамоа шартномаларига «Аёллар меҳнатини тартибга солиш. Аёллар ва оилавий вазифаларни бажариш билан машғул шахсларга бериладиган қўшимча имтиёз ва кафолатлар» бўлими киритилиб, хотин-қизлар учун яратилаётган имтиёз ва кафолатлар кўлами кенгайтирилди. Бунинг натижаси улароқ кичик ёшдаги фарзандлари бор аёлларга қисқартирилган иш вақти белгилаш, ҳақ тўланадиган ҳомилаларлик ва туғиш таътиллари кунини узайтириш, 2 ёшдан 3 ёшга қадар бўлган бола парвариши таъ-

Шу билан бирга, Ўзбекистон фермерлари кенгаши, «Тадбиркор аёллар», «Хунарманд» уюшмалари каби жамоат тузилмалари ҳам аёлларнинг иқтисодий билимларини юксалтириш, уларнинг ўз бизнесини бошлашга, битирувчи қизларнинг бандлигини таъминлашга камарбаста бўлмоқда. Хуллас, аёллар жамоат ташкилотлари ўзларининг илгор лойиҳалари билан жамият ривожига ўзига хос ҳисса қўшмоқда.

Шунингдек, форумда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловиغا тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жараёнида аёллар жамо-



«Оналари соғлом — болалари баркамол Ватан!» республика танловига

Гапнинг индаллоси

аниқ мақсад, тишимсиз меҳнат ва изчил ҳаракат

Мухбир эмасман, чиройли жумлаларни тузишни билмайман. Оддий қишлоқ муаллимиман. Муаллим бўлганда ҳам тилчи ёки тарихчи эмас, балки математика фани ўқитувчисиман. Шу боис, фақат кўрган-билганимни, бошқача айтганда, гапнинг индаллосини айтишни яхши кўраман...

Чироқчи туманининг Дам қишлоғиданман. 5-ўрта умумтаълим мактабида ишлайман. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси томонидан ташкил этилган «Касаба-тур» веломарафони қўлимга қалам олишга ундади. Гап шундаки, веломарафоннинг Чироқчи туман босқичида мактабимиздан беш нафар ҳаваскор спортчи иштирок этди: мен ва тўрт аёл. Ўзим 35 ёшдан юқори бўлган эркаклар ўртасида иккинчи, бошланғич синф ўқитувчиси Олима Рўзиева 35 ёшга бўлган хотин-қизлар ўртасида биринчи, Дилфўза Нисёнова иккинчи, тарих фани муаллими Шаҳноза Ал-

ламурадова 35 ёшдан ошганлар ўртасида учинчи ўринни эгаллади. Бошланғич синф ўқитувчиси Юлдуз Раҳмонова ҳам ўз маҳоратини намойиш қила олди.

Мактабимиз жамоаси ўтган йили умумжамоа ҳисобида туманда иккинчи ўринни эгаллаган бўлса, бу йил натижаларимиз яхшиланиб, энг кўп «очко»ни жамгардик. Барчамиз Қарши шаҳрида ўтган мусобақанинг вилоят босқичида қатнашишга муваффақ бўлдик. Воҳа туманидан келган 152 нафар ҳаваскор велоспортичи орасида бешовимизнинг борлигимиз бизни руҳлантирди, ҳаяжонга солди.

Келинг, сизга жамоадошларим ҳақида сўзлаб берай. Биласиз, қишлоқ аёллари ҳовлини супуриб-сидириш, рўзгор юмушларини қилиш учун жуда эрта туришади. Олимаҳон Рўзиева ҳам сахарда юмушларини бажаради. Лекин бунгача югуриб, бадантарбия машқларини қилишга улгурди. Келиннинг гайратини кўриб, оила аъзолари ҳам гимнастикага ошно бўлишди. Қаранг, веломарафоннинг туман босқичида голиб бўлгандан севинган акаси унга янги велосипед олиб берибди...

Яна бир ҳамкасбим Шаҳнозахон Алламурадovaning айтишича, болалигида у акасининг велосипедини олиб қочиб, миниб юраркан. Бу қизиқиб беиз кетмади. Касаба уюшмаларининг «Касаба-тур» мусобақалари йўлга қўйилган, яна жонанжон велосипедини ҳайдаш, керак бўлса, ўзига ўхшаш қизиқувчилар билан беллашиш имкони туғилди. Унинг ўғли Хушнудбек шахмат, етти ёшли қизи Жасмина эса бадий гимнастика машғулотларига қатнаётир. «Соғлом онадан — соғлом бола» дегани шу-да.

Мактаб бошланғич касаба уюшма кўмитаси раиси Шоира Кўчимова ҳамда директорининг Гулнара Ашурова спорт тадбирида қатнашиш учун шaroит яратиб беришади. Шу боис мактаб ҳодимларидан тузилган футбол (эркаклар) ҳамда волейбол (аёллар) жамоалари турли мусобақаларда фаол иштирок этади. Жорий йилда мактаб ҳудудида янги спорт зали қурилди. Спорт зали бўлгандан кейин қишин-ёзин мунтазам шугулланиш имкони туғилди, турли мусобақалар уюштириши режалаштиряпмиз, қўшни мактаблар жамоалари билан ўртоқлик учрашувлари ўтказамиз...

УСТОЗЛАР ЙЎЛИ

Устозларнинг спортсеварлиги ўқувчиларда ҳам спортга бўлган қизиқиш ошишига хизмат

қилапти. Масалан, мактабимизнинг 8-синф ўқувчиси Холди Намозова шахмат бўйича яқиндагина пойтахтда мактаб ўқувчилари ўртасида ташкил этилган республика биринчилигида 15 ёшга бўлган қизлар баҳсида учинчи ўринни эгаллади. Шунингдек, у Навоий, Самарқанд, Жиззах вилоятларида ўтган республика турнирларида голиб чиққан. Холдида 2014 йил Хоразмда ташкил этилган «Камолот тахтаси» мусобақасида ҳам зафар қўчганди. Устози Абдукамол Эргашевнинг айтишича, бугун Холди Намозова, Ирода Исмоилова, Анвар Ҳакимов, Асадбек Бахтиёров, Чарос Ризоқулова, Даврон Шарипов, Дилнура Азаматова, Дурдона Жовлиева, Нафиса Утабоева сингари ўғил-қизлар камолат етмоқдаки, уларнинг мусобақадан-мусобақача маҳорати ошиб, натижалари яхшиланиб бораётир.

Бундан ташқари, қишлоғимиз ҳудудида кўраш спорт зали бўлиб, унда юз нафардан зиёд ўқувчи миллий кураш, белбоғли кураш ва дзюдо бўйича спорт сабоқларини олиб келмоқда. Ишонсизми, ана шу курашчилардан ақсариятининг отаси ёки онаси спорт билан шугулланади. Шугулланганим ҳам фарзандининг камолини кўриб, спортга меҳри ошган, қадди тик, кўнгли хотиржам...

Қаровсиз бино ўрнида спорт зали ташкил қилинганга ўн йил тўлган бўлса, бу қисқа вақтда чемпионлар ҳам тарбияланди. Хусусан, Руслан Бўриев катталар ўртасида Самарқандда ташкил этилган самбо бўйича мамлакат чемпионида 60 кг. вазн тоифасида беш соврин соҳиби бўлди. Шунингдек, Соҳиб Абраев, Жамол Жумаев, Эрдил Сафаров, Жаҳовир Кўйсенов каби ёш курашчилардан мухлисларнинг умиди катта...

НЕЧАГА КИРДИНГИЗ, АМАНБОЙ АКА?

«Насаф» стадионида «Касаба-тур»нинг вилоят босқичи голиб ва совриндорларини тақдирлаш маросимида вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси Эсон ака Ражабов бизни қутлаб, иштирокчилар сони йилдан-йилга ошаётганини алоҳида таъкидлади. Дарҳақиқат, шундай. Мусобақанинг ҳар йилги бахсларида қатнашганим учун бунга мен ҳам гувоҳман. Тақдирлаш чоғида миришкорлик Аманбой Тўрақулов «Энг ёши улуг пойгачи» номиница си голиби деб топилди. Қарасам, ёши қирқлардаги бир киши. «Ахир, ундан ҳам катта-

ОМОН БЎЛИНГ, МУШТАРИЙ

Маънавият бекати

Руҳни бойитувчи маскан



ун ходимлардан миннатдор эканини айтиш, кутубхона залларини томоша қилиш учун атайлаб келганини айтиди.

Эндигина 14 ёшга кирган Ўғилло Уринбоева, 16 ёшли Моҳинур Озодбекова ҳам кўнгилларида китобга меҳр уйғота олган кутубхоначи опаларининг гамхўрлигидан миннатдор.

Кутубхона залларини томоша қилиб баҳри-дилнинг очилади. Киравершдаги Заҳрирдин Мухаммад Бобурнинг маҳаббатли бюсти китобхоналарга «Зиё оламига хуш келибсиз» деяётганга ўхшайди. Ойнаванд кўрғазмалардаги энг ноёб, энг янги китобларни кўриб, қувончингиз ортади.

Ахборот кутубхона маркази ходимларининг лойиҳа ва тақлифлари асосида ўтказилган тадбирларнинг аксариятига касба уюшмаси ҳамкорлик қилади. Йилнинг муҳим саналари, мутафаккир бобларимизнинг таваллуд кунлари муносабати билан ўтказилган давра суҳбатлари, ижодий кечалар, учрашувларга коллеж, мактаб, институт ўқувчи ва талабалари тақлиф қилинади.

Ҳар йили май ойида ўтказилган «Китобхонлар байрами» ҳафталигида вилоят Ахборот кутубхона маркази бош меҳмон сифатида фаол иштирок этиши аниқланган. Бу ҳафталик китоб оламига оид қизиқarli учрашувлар, ижодий давра суҳбатлари, «Энг фаол китобхон», ёш расмларнинг «Ўзал ва бектор юртим» каби кўрик-танловлари унинг мазмун-моҳиятини янада ошириб юборади.

— Ишда самарадорликка эришиш учун ходим ўз касбидан, жамоасидан мамнун ишлаши керак, — дейди касба уюшма кўмитаси раиси Нигора Юлдашева. — Жамоамиз унча катта эмас, 67 нафар аъзоимизнинг 54 нафари аёл бўлиб, иштиёқманд ёшларимиз туфайли юкүмиз энди бўлмакда. Ходимларимизнинг аксарияти спорт билан шуғулланади. «АКМнинг энг яхши теннисчиси», «Ақл чархи», «Кўнук стартлар» каби аънавий спорт мусобақалари ҳамisha қизиқarli кечади.

— Ўзиям зўр Қовоқвой бўлдингиз-да, Нигорахон, кийимингиз, ҳаракатингиз, гапларингиз ҳам яхши чиқди. Оромгоҳдаги болаларни кузатиб турдим. Шундоқ берилиб томоша қилишдики... артист бўл кетинг-е-е... — ҳазиллашди Ойдиной Ризаева.

— Бир ярим йилдан буён шуғулланиб, тажрибамиз ошиб қолди-да. Лекин артистлик осон эмас экан. Болаларнинг термулиб турганини кўргачина, ролага киришиб олдим. Ростини айтсам, Қовоқвой эканимдан ўзим ҳам маза қилдим, — Нигорахон хурсандлигини яширмади.

— Менинг ролим-чи, мен ҳам яхши ижро этдимми? — гагга қўшилди Раънохон Юсупова.

— Болаларнинг энг кўп сарғи сизга бўлди, Чаноквой, — кудди Дилафруз Каримова. — Аслида, спектаклни тўлиқ қўйсақ ҳам бўларкан...

— Кутубхоначи эканимиз ёдингиздан чиқмасин. Болалар томошамизни кўриб, воқеанинг давомини билиш учун ҳам биз олиб борган китобларни ўқишади. Уларда эса бундай эртақлар кўп. Касаба уюшмаимизнинг ҳаракати-ю ҳаражатидан мақсад болаҳонларни китобхонликка, муталаага ўргатиш ахир, — деди Нигора Юлдашева.

рад ва Қиммат» каби эртақлар асосидаги сахна кўринишлари болаларда китобга, кутубхонага меҳр қўйиш, яхшиликка ҳавас, ёмонликка нисбатан нафрат уйғонишида тарбиявий аҳамиятга эга бўлапти.

Инсон ички оламини бойитувчи, ақлни чархлаб, тафаккур тиниқлигини таъминлай олувчи, шахснинг интеллектуал ривожланишида асосий ўрнини эгалловчи неъматларнинг энг аввалида китоб туради. Унинг муталааси инсонга ўз кўнглини кўриш, таққослаш, таҳлил қилиш ва албатта, яхшидан ибрат олиб, ёмондан ҳазар қилишни ўргатади. Кўнгил, қалб баркамоллигини таъминлайди. Буюк аллома бобимиз Абдураҳмон Жомийнинг:

*Китобдан яхшироқ дўст йўқ эжаҳонда,
Гамхўринг бўлмай у гамгин замонда.
У билан қол танҳо, ҳеч бермас озор,
Жонингга юз роҳат беради тақдор.*

ёки Юсуф Хос Ҳожибнинг бундан 10 аср аввал яратган «Кутадгу билиг» асаридан:

*Битиб қўймасаиди доно қалами,
Қоронгу қаларди мозий олами*

каби ҳикмат битикларини ўқиган киши олам ривожи, тараққиёти манбаи китоб эканини англайди. Халқимиз уни қазиналар қалити, руҳият беағзи бўлмиш билим манбаи сифатида нондек азиз деб билади.

Анджон шаҳридаги Ўзбекистон ичкисининг икки чети икки муҳташам иншоотдан бошланади. Заҳрирдин Мухаммад Бобур номи билан аталган ушбу обидаларнинг бири — вилоят мусиқали драма ва комедия театри бўлса, иккинчиси — адабиёт ва маърифат ўчоғи — Ахборот ва кутубхона марказидир.

Халқ тилида оддийгина қилиб «Бобур кутубхонаси» деб аталувчи АКМ 109 йиллик тарихга эга. 1907 йилда 387 донга китоб билан ташкил этилган бу маскан бугун 600 мингдан зиёд китоб фондига эга.

АКМнинг 21 мингга яқин аъзоси бор. Марказнинг ўқув-қироатхона зали ҳамisha зиё истаган китобсеварлар билан тўла. Ким газета тахламларидан зарур материални ўқиб, ким қадимий кўл ёзма малаҳани фойдаланиб, ким эса янги бадий китобларни муталаа қилиб фикран улғая боради.

Махсус режа ва дастурлар асосида иш олиб бораётган бу жамоанинг янгиликка мойиллиги боис китобхонлар сони кўндан-кўн ортиб борапти. «Кутубхона иккинчи оиламиз» лойиҳаси эса кўпчиликка маъқул. Касаба уюшма кўмитаси тасарруфидида кўнгирчоқ театри ҳам шу лойиҳанинг бир бўлаги сифатида ташкил этилган. Бу лойиҳа ўйда бола тарбияси билан шуғулланаётган ёш оналар учун қулай имконият бўлди. Энди АКМда ўтказилган маърифий тадбирларга ёш оналар кичик ёшдаги фарзандлари билан бирга ташриф буюришмоқ-

да. Оналар учун бир залда бола тарбияси, маънавиятга қандай эришиш йўллари, энг янги китоблар муҳокамалари борасида тайёрланган тадбир ўтказилса, бошқа залда уларнинг фарзандларига махсус тақлиф қилинган мутахассислар эртақлар айтиб беришади, кичкинтойларнинг шър ўқиш, ёдлаш машқлари дарс соатлари каби қизиқarli ўтади. Нигора Юлдашева, Одинахон Юлдашева, Ойдин Ризаева, Раънохон Юсупова, Ойдин Мамажонова, Дилафруз Каримова каби изланувчан касбдошлар ижросидаги кўнгирчоқ театрининг томошалари ҳам қўйлади, албатта. Оналар бундан жуда мамнун.

Китобга қизиқиш камайди, ёшлар китоб ўқимай қўйди, деган гаплар бот-бот қулоққа чалинади. Кутубхона ўқув залини кўздан кечирган киши бу гаплар у қадар тўғри эмаслигига амин бўлади.

— Шербадалов Райимжонман, — деди ўқув залида муталаа билан шуғулланаётган бир йигит. — Асли, Наманганданман. Андижон тиббиёт институтида тахсил оламан. Кутубхонага аъзо бўлганимга ҳам етти йил бўлди. Талабаликда дунёқарашим кенгайиб, тафаккурим тиниқлашиб, қандай муваффақиятга эришган бўлсам, барига шу кутубхонага аъзо бўлганим сабаб деб биламан.

Бундай миннатдорлик эътирофини олий ўқув юртига кириш учун тайёрланган андижонлик Комронбек Солиев, Андижон тиббиёт коллежи талабаси, марҳаматли Умида Тўхтамурадовалардан ҳам эшитдик.

Избоскан тумани Лўғимбек қишлоғида яшовчи 68 ёшли Олтинбой Қувватов ўзининга эмас, болалари ва набираларини ҳам шу кутубхонадан фойдаланишга даъват қилгани ҳақида тўққиллашиб айтиди.

Ахборот кутубхона маркази директори Гулнора Исмоилованинг айтишича, китобхонлар сафини кенгайтириш мақсадида 45 та ташкилот ва муассасада кўчма кутубхоналар ташкил қилинибди. Андижон шаҳар ногиронлар жамиятидан рўйхат олиб, ўндан ортиқ имконияти чекланган китобхонларни кутубхонага аъзо қилишибди. Ҳафтанинг ҳар жумасида уларнинг уйига махсус транспорт билан китоблар, газета ва журналлар олиб бориларкан.


Қарангки, яқинда Андижон шаҳрилик 20 ёшли Фирдавсбек Шокиров ногиронлар арачасида кутубхонага келди. У ўзининг кейинги пайтда тушкун хислардан батмом озод бўлгани, руҳиятидаги кутаринкилик

Инсон ички олами бойитувчи, ақлни чархлаб, тафаккур тиниқлигини таъминлай олувчи, шахснинг интеллектуал ривожланишида асосий ўрнини эгалловчи неъматларнинг энг аввалида китоб туради. Унинг муталааси инсонга ўз кўнглини кўриш, таққослаш, таҳлил қилиш ва албатта, яхшидан ибрат олиб, ёмондан ҳазар қилишни ўргатади. Кўнгил, қалб баркамоллигини таъминлайди.



Чекишнинг яна бир зарари

АҚШлик олимлар гуруҳи қандли диабетга чалинган кашандалар чекмайдиганларга нисбатан икки баравар тезроқ вафот этишини аниқлашди. Бу ҳақда Eurek Alert нашрига таяниб lenta.ru хабар тарқатди. Мазкур тадқиқот натижалари Шимоллий Америка юрак касалликлари мутахассислари уюшмасининг конференциясида маълум қилинган.




Мутахассислар икки йил мобайнида диабетга чалинган беморларнинг ўпкасини доимий равишда текшириб боришган. Эллик уч минг кишини қамраб олган мазкур тадқиқот мобайнида беш мингдан ортиқ қандли диабетга чалинган беморнинг компютер томографияси ва рентген суратлари изчил ўрганилган.

Қандли диабетга чалинган чекувчи беморларда ўпка саратонига чалиниш ҳавфи юқори бўлиши аниқланди. Олимлар, шунингдек, одам танаси оғирлиги, ёши ва кашандалик мuddатини ҳам назардан қочиривмаган.

Мазкур тадқиқот диабетга чалинган беморлар учун чекиш қанчалик ҳавфи эканини яна бир бор исботлаб бергани таъкидланмоқда.

Ер остидаги океан

Буюк Британия ва АҚШ геофизиклари Ер шарининг чуқур қатламларида жойлашган океанини аниқлашди. Бу ҳақда Nature журнали хабар тарқатди.




Олимлар қатор квант-механик ҳисоблашлар ўтказишгандан сўнг ернинг 400-600 км. лик остки қатламида гидрат минераллар билан аралаш ҳолда мавжуд бўлган сув ҳавзасини топишга муваффақ бўлишган. Тадқиқот натижалари гидрат минераллар термодинамик жиҳатдан барқарор эканини тасдиқлади.

Геофизикларнинг таъкидлашича, мазкур сув ҳавзаси сайёрамизда рўй берадиган геологик ва иқлим ўзгаришларида муҳим рол ўйнайди. Олимлар эндиликда мазкур сув манбасини тўлиқроқ тадқиқ этиш ниятида.

Қайд этиш жоизки, жорий йилнинг март ойида Россия, Германия ва Франциянинг олимлар гуруҳи ернинг 410-660 км. лик чуқурлигида архей эраси (2,7 млрд. йиллар аввалдан бери мавжуд бўлган, дунё океанларидан бир баравар катта сув ҳавзаси борлигини тахмин қилишганди.

Инсониятнинг ярми онлайнда

2016 йил охирига келиб сайёрамиз аҳолисининг ярми интернетга уланган бўлади, дея хабар бермоқда Reuters ахборот агентлиги Халқаро электр алтифоқи асосланган ҳолда.




Мутахассисларнинг ҳисоб-китобига кўра, ривожланган давлатларда 80 фоиз аҳоли, ривожланаётган давлатларда 40 фоиз аҳоли, камроқ даражада ривожланган давлатларда 15 фоиздан камроқ аҳоли интернетдан фойдаланар экан.

Бутун дунёда интернетдан фойдаланувчи аҳоли 47 фоизни ташкил қилмоқда. Халқаро электр алоқа иттифоқи 2016 йил охирига келиб 3,5 млрд. киши интернетга қира олишини баҳолаб қўлмоқда.

— 2016 йилда ер аҳолисининг башорати қирмачтин, улар доимий тарзда онлайнда қолмоқда. Бутун дунё бўйлаб 3G ва 4G тармоқларининг тарқалиши кўплаб одамларга интернетни олиб келди, — дейилади ҳисоботда.

Кўмирдан олтин олиш мумкинми?

Россиялик мутахассислар кўмирдан олтин олишни ўрганишди, дея хабар қилмоқда Россия Фанлар академиясининг Узоқ Шарқ бўлимига таяниб life.ru. Маълум бўлишича, бир тонна кўмир ёқилгач, бир грамм тилла олиш мумкин.



Гап шундаки, Амур илмий маркази олимлари 15 йил мобайнида ушбу ёқилгининг таркибини ўрганишган ва Ерковец кўмири ҳавзасида қазиб олинган бир тонна кўмир таркибидан бир грамм олтин борлигини аниқлашган. Ҳар йили миллионлаб рубл маблағни ҳавога совурмаслик мақсадида қимматбаҳо металлни чиқиндилардан ажратиб олиш усулини топиш лозим эди.


Олимлар иссиқлик электр станциялари мўриларига ўрнашган филтрларга зарарли чиқиндилар сингари фойдаланган ҳам ўрнашиб қолшини аниқлашди. Бу чиқиндилардан олтинни ажратиш олиш тизими кўринишидан бир нечта қувурларга эга печкага ўхшайди. У кўмир ёнишидан чиққан тўтунни юз марта тозалаш имконини беради.

Дастлаб аралашмалар сувда ювилиб, лойқа махсус филтрдан ўтказилади. Сўнгра олтинга эга концентрат аффинажга юборилади. Тизим бир тонна кўмир чиқиндисидан 0,5 грамм тилла олишга имкон берган тақдирда ҳам қўшимча 1500 рубл даромад кўриш мумкин, дея ҳисоблайди лойиҳа муаллифларидан бири Олег Агеев.

Лойиҳани амалга оширишга бел болаган олимлар Сколковода саноат қурилмасини жойлаштириш учун 1,5 млн. рубллик грант маблағи олишни режалаштиришмоқда.

Интернет материаллари асосида А.АРСЛОНОВ тайёрлади.

Сурхондарё вилоят касба уюшма ташкилотлари бирлашма жамоаси касба уюшма фаҳрийши Чори БОЗОРОВнинг вафоти муносабати билан унинг оила аъзоларига таъзия изҳор этади.



Билмасангиз, билиб қўйинг, Андижон туманидаги 16-болалар мусика ва санъат мактабиде санъат сирларини ўрганаётган болалар ҳузуридан қайтаётган бу суҳбатдошлар Бобур номидаги Андижон вилоят ахборот кутубхона марказининг халққа зиё улашувчи ходимлари. Бундан бир ярим йил аввал АКМ директори Гулнора Исмоилова ва касба уюшма кўмитаси раиси Нигора Юлдашеванинг ташаббуси билан болаларни китоблар оламига етаклашнинг янги бир йўли сифатида кўнгирчоқ театри ташкил қилинган эди. Болалар яхши кўрадиган эртақларни сахналаштириб, маърифий тадбирларда спектакллардан парчалар ижро этила бошлагди. Матолар сотиб олиш учун касба уюшма кўмитаси маблағ ажратди. Саҳна либосларини ўзлари тикиб, тайёрлашди. Натиха ёмон бўлмади. Мактаблар, «Меҳрибонлик» уйлари, ёғзи таътил кунлари эса оромгоҳларда кўчма кутубхоналар ва маърифий тадбирлар ўтказишда янги ташаббус жуда қўл келди. «Қовоқвой ва Чаноквой», «Эртақлар яхшиликка етаклар», «Бўлаверадиди, бўлаверадиди», «Зум-

Халқ тилида оддийгина қилиб «Бобур кутубхонаси» деб аталувчи АКМ 109 йиллик тарихга эга. 1907 йилда 387 донга китоб билан ташкил этилган бу маскан бугун 600 мингдан зиёд китоб фондига эга.

MUASSIS:
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi
2007-yil 11-yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.

Bosh muharrir:
Jahongir Sharofboyev
Tahrir hay'ati:
Abdulaziz Abdullayev, To'liqin Teshaboyev, Eson Rajabov, Ulug'bek Jalmenov, Farhod Xanapiyayev, Ravshan Bedilov, Asror Ishanxodjayev, Muhabbat O'rmonbekova, Oksana Belousova, Timur Mamajonov (bosh muharrir o'rinbosari), Akmal Toshv

BO'LIMLAR:
Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63
Huquq va xalqaro hayot — 256-64-69
Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — 256-85-43
Reklama va o'lonlar — 256-87-73

Manzillimiz:
100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasi, 24-uy
E-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

HUUDUDLARDAGI MUXBIRLAR:
Qoraqalpog'iston Respublikasi — (+998-91) 268-92-32
Andijon — (+998-91) 475-23-60
Buxoro — (+998-93) 653-50-81
Jizzax — (+998-91) 943-67-44
Namangan — (+998-90) 260-50-77
Navoiy — (+998-93) 314-13-03
Samarqand — (+998-97) 915-50-87
Sirdaryo — (+998-90) 610-95-55
Surxondaryo — (+998-91) 233-69-07
Farg'ona — (+998-91) 141-27-70
Xorazm — (+998-90) 719-48-00
Qashqadaryo — (+998-91) 467-30-01

Navbatchi muharrir:
U.Ibodinov
Navbatchi:
J.Ergashev
Musahhih:
S.Shodiyeva
Sahifalovchi:
H.Abdullilov

Boshigga topshirish vaqti — 21:00
Topshirildi — 22:10

1 2 3 4 5 6

«Sharq» nashriyat-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etildi.
Korxonamanzilli:
Buyuk Turan ko'chasi, 41-uy.
Gazeta «Ishonch»ning kompiyuter markazida teriladi va sahifolandi.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.
Buyurtma T — 1115.
13695 nusxada bosildi.
Nashr ko'rsatkichi: 133

Taxminiy xisob rakami:
2021 0000 0004 3052 7001,
ATB «Innoteka bank» Yashnabod filiali,
Bank kodli: 00959, STIP: 201133889, OKONX: 87100